

“Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясида АКТни тадбиқ этиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ижро ҳолати

Давлат инспекциясининг 02.11.2012 йилда 210-сонли буйруқ билан Низом ишлаб чиқилиб, 13.12.2013 йилда 01/03-2951-сонли хат билан Алоқа кўмитасига келишишга юборилган аммо бўлим ташкил этилмаганлиги туфайли қайта кўриб чиқишга қайтарилган. 2014 йил сентябр ойида АКТ бўлими ташкил этиш бўйича инспекция ходимлар жадвалига ўзгартириш киритиш юзасидан буйруқ лойихаси ишлаб чиқилган ва Молия вазирлигига 04.11.2014 йилда № 02/03-3495 – сонли штат жадвалига ўзгартириш юзасидан рухсат олиш учун хат киргизилган.

NIS.UZ портали

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2009 йил 10 апрелдаги 24-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ барча давлат органлари томонидан NIS.UZ АКТни жорий этилиши бўйича жойлаштирилган саволномани ўз вақтида (ҳар чоракда) тўлдириб борилиши белгиланган.

I. Электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланиш ҳолати

Инспекция марказий аппаратида “Е-ХАТ” ҳимояланган электрон почта тизими жорий этилган. “Е-ХАТ” ҳимояланган электрон почта тизимидан фойдаланиш учун Инспекция марказий аппаратидаги 1 нафар ходимга “UNICON.UZ” ДУК томонидан 1 та электрон рақамли имзо калити берилган.

Давлат инспекцияси давлат идоралариаро электрон ҳужжат алмашиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида “UNICON.UZ” ДУК томонидан ишлаб чиқилган “Е-Ijro” тизими учун 5 та электрон рақамли имзо калити олинган.

Инспекцияда *электрон ҳужжат айланиш тизими мавжуд эмас*, лекин марказий аппарат ва тармоқ инспекциялари локаль тармоқ орқали маълумотлар алмашадилар.

Инспекцияда ўзаро электрон маълумотларни алмашиш @sgktn.gov.uz домен остида яратилган корпоратив электрон почта орқали амалга ошириш йўлга қўйилган. Инспекция ва унинг тизимида корпоратив почтага уланиш даражаси **90 %ни** ташкил қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги “Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 155-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Инспекциянинг 2010 йил 26 августдаги 242-а-сон буйруғи чиқарилган. Мазкур буйруқ билан Қоғоз тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида Инспекция тизимида доимий фаолият кўрсатувчи гуруҳ (Гуруҳ) таркиби тасдиқланган. Гуруҳнинг асосий вазифаларидан:

- Инспекцияда қоғоз тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланган;

- Бошқарма. Бўлим, тармоқ, минтақавий инспекциялар ва инфратузилма бўлинмаларида қоғозни ҳисобга олиш ва унинг сарфи ҳолатини танқидий ўрганиш ва таҳлили қилиш юклатилган.

“Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан электрон ҳисобот тизими йўлга қўйилган. Хозирда инспекция томонидан 2015 йил 13 апрелда 12 хдфу буйруғи ижроси таъминланмоқда. Шу тизим бўйича тармоқ ва минтақавий инспекция

инспекторлари текшириш хулосаларини киритиб бормоқда. Киритиш мобайнидаги камчиликлар бартараф этилмоқда

II. Ахборот хавфсизлиги таъминланганлиги ҳолати

2015 йил 22 июндаги 44-б сонли риёсати мажлиси баёнидан келиб чиқиб, 2015 йил 19 август кунда “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясида Жураев Ш.Т, Исраилова Н.А ва Мирмахмудов М.М лар томонидан ишчи комиссия тузилиб, Тошкент шаҳри бўйича жойлашган тармоқ инспекцияларда фойдаланилаётган компьютер техникаларида иш фаолиятига тегишли бўлмаган фотосуратлар, видео ва аудио файллар мавжудлиги юзасидан текширув олиб борилди ва йўқ қилинди. Мазкур комиссия ҳар чорак якунида текширув олиб борилмоқда.

Давлат инспекциясининг таркибий тузилмасига кирувчи барча бўлимлар, тармоқ ва минтақавий инспекциялар, ҳамда идоравий мансуб Инспекцияларда Ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича масъул ходимлар рўйхати ушбу 2014 йил 14 апрелда №03/01-25-б-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан тасдиқланган

Инспекцияда бир дона Intel(R) Xeon(R) CPU E 31220@ 3.10 Ghz/4Gb Ram параметрли сервер компьютери мавжуд бўлиб, сервер учун алоҳида хона ажратилган. Ажратилган сервер хонаси ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб бермайди. Шу боис “Замонавий коммуникациялар” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган ИТ стратегия таркибига муаммо ечими киритилган. Сервер компьютери UPS (вақтинчалик электр энергияси билан таъминловчи) қурилмага уланган.

Давлат инспекциясида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун лицензияланмаган “ESET smart security” антивирус дастурий таъминотидан фойдаланилади.

Ахборот ва ахборотга ишлов бериш воситаларининг бутлигини ва улардан эркин фойдалана олишлик таъминланган. Ахборотни резервлаш, маълумотлар нухасини яратиш ва тестдан ўтказиш, шунингдек, уларни ўз вақтида тиклаш процедуралари режалаштирилмаган.

Ахборот ва унга ишлов бериш воситалари жойлашган зоналарни жисмоний муҳофаза қилиш учун хавфсизлик приметри қўлланилган. Давлат инспекцияси биносига кириш жойига турникет ҳамда сервер хонасига, қаватлардаги йўлакларги кузатув камералари билан жихозланди. Давлат инспекцияси биносига кириш рухсатнома ва кузатувчи ходим билан биргаликда рухсат берилади.

Ахборотга ишлов беришда рухсатсиз хатти-ҳаракатларни аниқлаш, тизимларни кузатиш мумкинлигини ва ахборот хавфсизлиги воқеаларини рўйхатга олиш тартибга солинган. Ахборот тизимларининг муоммоларини идентификация қилишни таъминлаш учун тўхтаб қолишлар ва операцияларни рўйхатга олиш журнали юритилган.

Қоғоз ҳужжатлар ва ахборотнинг электрон ташувчиларига тегишли “тоза стол” сиёсати ва ахборотга ишлов бериш воситаларига тегишли “тоза экран” сиёсати қўлланган.

Интернетга чиқиш назоратга олинган ва тармоқ химояси учун **“Trafinspektor”** дастурий таъминоти ўрнатилган. Ижтимоий тармоқ ва тақиқланган web сайтларга кириш чекланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги 73-сон қарори асосида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Давлат инспекциясида раҳбар ва ўринбосарини ҳамда бўлим ва тармоқ инспекцияси бошлиқларини жами 19 киши, 12 соатлик ўқув курсида иштирок

этган. Хозирда 179 нафар ходим 24 соатлик ўқув курсида иштирок этишди. 2016 йил IV чорагида давлат инспекциясида ахборот хавфсизлигига масъул ходим мадлакасини ошириш мақсадида тегишли ташкилотлар билан шартнома тузилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 181-сонли қарори ижроси юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилган:

Давлат инспекциясининг таркибий тузилмаси ҳақида маълумот тегишли талабга кўра расмий веб-сайтига жойлаштирилган;

Давлат инспекцияси ҳақидаги маълумотлар расмий веб-сайтида ўзбек (лотин) ва рус тиллари кўринишида берилган;

official2.gov.uz веб-сайти орқали фуқаролар мурожатлари кўриб чиқиш ўз вақтида амалга оширилмоқда. Хозирги кунгача 29 дон мурожаат келиб тушган шундан бажарилгани 28 та ва рад этилгани 1 донани ташкил қилад.

Ўзбекистон Республикаси "Саноатгеоконтехназорат" Давлат инспекцияси томонидан ишлаб чиқилиб, 2014 йил 11 апрелда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникаци технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, 2014 йил 21 майда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси 2014 йил 24 майда Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилиб, 2014 йил 25 майда раҳбарият томонидан тасдиқланган "Ахборот хавфсизлиги сиёсати" ички норматив ҳужжати билан Инспекциянинг барча ходимлари таништирилди.

Давлат инспекциясининг 02.11.2012 йилда 210-сонли буйруқ билан Низом ишлаб чиқилиб, 13.12.2013 йилда 01/03-2951-сонли хат билан Алоқа қўмитасига келишишга юборилган аммо бўлим ташкил этилмаганлиги туфайли қайта кўриб чиқишга қайтарилган. 2014 йил сентябр ойида АКТ бўлими ташкил этиш бўйича инспекция ходимлар жадвалига ўзгартириш киритиш юзасидан буйруқ лойиҳаси ишлаб чиқилган ва Молия вазирлигига 04.11.2014 йилда № 02/03-3495 – сонли штат жадвалига ўзгартириш юзасидан рухсат олиш учун хат киргизилган.

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва унинг тизимида иш жараёнларини автоматлаштириш ҳамда ижро интизомини тизимли назоратини амалга ошириш мақсадида Давлат алоқа қўмитасига 2014 йил 20 ноябрдаги 02/05-3545 сонли хат билан ариза берилди ва “Ижро интизоми” ҳимояланган тизимига уланиш учун давлат инспекцияси марказий аппарати бошлиқ ва ходимларга 5 та электрон калит олинди.

Ягона ҳимояланган электрон ҳужжат айланиш тизимидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги ички норматив-ҳужжатлар лойиҳаси техник топшириғи бўйича “Фан-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси” ҳамда “Замонавий коммуникациялар” МЧЖ билан ишлар олиб борилмоқда. “Замонавий коммуникациялар” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган IT стратегия ишлаб чиқилган ва хозирда ўрганиб чиқилиб камчиликлари ва таклифлар киритилмоқда.

2015 йил 13 дайдаги Вазирлар маҳкамасининг 120 сон қарорида “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан 26 дон давлат хизматлари кўрсатилади. Ушбу қарор ижросини тaminлаш мақсадида ягона интрактив хизматлар порталига қарорда белгиланган давлат хизматлари қўйилди

Мазкур йил бошида “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси интернет тармоғига уланиш DSL тармоғидан FTTB тизимига ўтказилди.. Молия ва иқтисод бўлимига иш самарадорлигини ошириш мақсадида интернет Tas-ix тармоғига уланиш тезлиги 2м/битгача бўлган тармоғга уланган.

Веб-сайт:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 355-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар"га мувофиқлаштириш бўйича “Электрон ҳукумат” маркази билан биргаликда ишлар олиб борилмоқда.

Давлат инспекциясида АКТни жорий этишга ва ривожлантириш мақсадида 2017 йил давомида режалаштирилган ишлар:

2017 йил давомида Давлат инспекцияда электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш мақсадида дастурий воситани ишлаб чиқиб тадбиқ этиш мақсадида 250 000 000 сўмлик дастурий восита режалаштирилган.

АКТга масъул ходимларни тегишли йўналишлари бўйича малакаларини ошириш.

Давлат инспекциясида сервер қурилмалари ҳамда локал тармоғида мавжуд компьютерларни ахборот хавфсизлиги доирасида экспертиза ўтказиш.

Давлат инспекцияси сервер хонасини ҳужжатларда келтирилган талаб даражасида жихозлаш.

давлат инспекцияси томонидан кўрсатиладиган давлат хизмамтларини электрон шаклга ўтказиш

очиқ маълумотларни ўз вақтида янгилаб бориш каби ишлар режалаштирилган.

Умумий бўлим бош мутахассиси

М.Мирмахмудов